

9-10-2020

## ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF CORPORATE GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES

Abdullajon Abdukarimovich Abdurasulov

*Independent researcher of the Kokand State Pedagogical Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Abdurasulov, Abdullajon Abdukarimovich (2020) "ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF CORPORATE GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 52.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/52>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

**ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF CORPORATE  
GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ADVANCED  
FOREIGN COUNTRIES**

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

3. Fedotkina E.V. Professional orientation of teaching a foreign language. 1856-1860. - URL: <http://e-koncept.ru/2016/96290.htm>.
4. Aleshanova I.V., Frolova N.A. Development of discursive competence in foreign language classes at the university. – 2014, № 11. p - 92-95
5. Obraztsov PI, Ivanova O.Yu. Professionally oriented teaching of a foreign language at non-linguistic faculties of universities // Orel: OSU. - 2005. p - 102

### **ИЛГОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Абдурасулов Абдуллажон Абдукаримович

Кўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

*Аннотация:* Ушбу мақолада ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасаларидаги энг самарадор бошқарув модели бўлган корпоратив бошқарув усулининг ижобий жиҳатлари, ўзига хос ташкилий, педагогик тамойиллари, бошқарув жараёнига татбиқ этиш усуллари таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* олий таълим, бошқарув, бошқарув усуллари, корпоратив бошқарув, бошқарувда мустақиллик, бошқарувда ҳисобдорлик, бошқарувда овоз бериш, корпоратив бошқарув тамойиллари.

### **ОРГАНИЗАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ РАЗВИТЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН**

Абдурасулов Абдуллажон Абдукаримович

Независимый исследователь Кокандского государственного педагогического института

*Аннотация:* В данной статье проанализированы положительные аспекты, специфические организационные, педагогические принципы, методы внедрения в управленческий процесс, методы корпоративного управления, являющиеся наиболее эффективной моделью управления в высших учебных заведениях развитых государств.

*Ключевые слова:* высшее образование, управление, методы управления, корпоративное управление, независимость в управлении, подотчетность в управлении, голосование в управлении, принципы корпоративного управления.

### **ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF CORPORATE GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES**

Abdurasulov Abdullajon Abdukarimovich

Independent researcher of the Kokand State Pedagogical Institute

*Annotation:* This article analyzes the positive aspects of the corporate governance method, specific organizational, pedagogical principles, methods of application to the management process,

*which is the most effective management model in higher educational institutions of developed countries.*

**Keywords:** *higher education, management, management methods, corporate governance, independence in management, accountability in management, voting in management, principles of corporate governance.*

Самарали бошқарув олий таълим муассасасининг сифат ўзгаришидаги ва ривожланишидаги муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг таълим тизимида авторитар ва маъмурий-бюрократик бошқарув моделидан воз кечган ҳолда корпоратив бошқарув усули кенг ёйилмоқда. Дунёда корпоратив бошқарув усулининг умумий тамойиллари асосида ҳар бир ОТМ ўзининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда махсус бошқарув моделини яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ёндашувлар асосида корпоратив бошқарув усулининг американча, британча, шведча, финча ва японча моделлари яратилди ва юқори самарадорлигини намоён қилди. Бундай вазиятда ҳар бир давлат ўзининг таълим тизимида корпоратив бошқарув усулининг миллий моделини яратишга алоҳида эътибор қаратаётганлигини кўришимиз мумкин.

2006 йилда Вашингтонда ўтказилган «Олий таълимдаги кадриятлар ва этика» номли халқаро конференцияда ва 2007 йилда ташкил этилган «Олий таълимдаги бошқарув принциплари» номли семинарда асосий масала таълим тизимининг самарали бошқарув моделларини яратиш ва унинг истиқболдаги натижадорлигини таъминлашга қаратилагн эди[1]. Чунки эркин ва озод, мустақил шахсларни шакллантирувчи тузилманинг ўзи яхши бошқарилиши ва демократик муносабатлар ўрнатилиши зарурлиги тўғрисида ёндашувларни замон талаб қила бошлаган эди. Покистоннинг Сарадха университети профессори Холид Замоннинг «Дунё олий таълим тизимдаги самарали бошқарув ва сифатли таълим» номли тадқиқотила келтирилишича, бутун дунёда олий таълим тизимида самарали бошқарув моделини яратиш мумкин эмас, лекин бошқарувда мустақиллик ва ҳисобдорликни таъминлашнинг ўзи сифат ва самарадорликни келтириб чиқаради дейилади[2]. Олий таълим муассасаси бошқарувида овоз беришнинг мавжудлиги ва бошқарувда бошқарувчининг ҳисобдорлигининг йўлга қўйилганлиги либерал анъаналарни шакллантиради. Натижада талим муассасасида эркинлик муҳити шаклланади.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда олий таълим - юридик шахслар учун самарадор бизнес шакли, давлат учун эса ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг фундаментал асоси ва жамиятда фаровонликни яратишнинг энг қулай йўли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, давлатнинг ишбилармон доиралари ҳамда ҳукуматнинг қарашлари икки хил бўлсада, уларнинг манфаатдорлиги бир йўналишга қаратилган ҳисобланади. Яъни ривожланган давлатларда хусусий олий таълим муассасалари ва давлат муассасалари учун ҳам бир хил эркин ва соғлом рақобат муҳити яратилади. Буни икки томон ҳам бирдай қувватлайди. Икки томон учун ҳам давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларидаги энг олий мезон - сифат ва профессионалик ҳисобланади[3].

Жаҳоннинг салоҳиятли олий таълим муассасалари бошқаруви Глобал тенденциясининг афзалликларини тадқиқ этиш ва насбатан мукамал

менежментни йўлга қўйиш бўйича ҳам мунтазам тадқиқотлар олиб борилмоқда. XXI арга келиб хорижнинг ривожланган университетларда корпоратив бошқарув модели амалиётда синаб кўрилди ва йиллар давомида сайқалланиши натижасида энг самарали тизим сифатида баҳоланди. Лекин корпоратив бошқарув тизимининг тамойилларини, унинг ички тузилмаси ва қонуниятларини ижтимоий ўзгаришларга, замон талабига мослаш ва ҳар бир давлатнинг демократик принципларига мувофиқлаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Шундай экан, жаҳоннинг ривожланган ОТМлари ва илмий-тадқиқот марказларида таълим муассасалари бошқарувининг инновацион моделларини яратиш ва мавжудларини ислоҳ қилиш зарурати доирасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда.

«Агар сен дунёни ўзгартирмоқчи бўлсанинг, энг кучли қурол бу таълимдир» деган фикрларни билдирган эди бир замонлар машҳур давлат арбоби, сиёсатчи Нилсон Менделла[4]. Ушбу фикрларнинг исботини бугунги кунда ривожланган давлатларнинг ривожланиш тажрибасидан кўриб турибмиз. Ҳақиқатдан ҳам Япония, Германия, Финландия, Швеция, Сингапур каби давлатларнинг ривожланиш йўлиги эътибор қараилса, таълим тизими ва кучли олий таълим муассасалари давлат иқтисодиётининг локомативи бўлаётганлигини англаш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлилари шуни кўрсатмоқдаки, дунёнинг энг яхши университети деб Ҳарвард университети тан олинди. Иккинчи ўринда Стэнфорд университети қайд этилган бўлса, Кембриж университети учинчи поғонани эгаллайди[5]. Шунингдек, кучли ўнтаклик университетлар рўйхатидан Массачусетс технологиялар университети, Бёрклидаги Калифорния университети, Принстон университети, Оксфорд университети, Колумбия университети, Калифорния технологиялар институти ва Чикаго университети жой олади. Ушбу университетларнинг салоҳияти уларда кучли ва самарали бошқарувнинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқ.

Ривожланган давлатларнинг олий таълим тизимидаги самарали бошқарув усулларини ўрганишда шубҳасиз, Америка Қўшма Штатларининг тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дунё олий таълим тизимларининг спектрида АҚШ тизими кўп жиҳатдан ўзига хосдир. Аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, АҚШда таълим вазирлиги ёки мамлакатда олий таълимга масъул бўлган бошқа марказий агентлиги мавжуд эмас. Федерал ҳукуматнинг роли чекланган. АҚШнинг бошқа ҳукумат тузилмаларини такрорлаган ҳолда, мамлакатнинг олий таълим тизими яхлит бир кўринишда марказлаштирилмаган. Штат университетлари ва коллежлари федерал ҳукумат эмас, штат назорати остида. Таълим муассасалари ўзини ўзи мустақил идора қилиш бўйича анчайин кўп ҳуқуқларга эга.

Таълим вазирликлари бўлган аксарият миллий ҳукуматлардан фарқли ўлароқ, АҚШ федерал ҳукумати олий таълим устидан умумий назоратни амалга оширмайди ёки унинг асосий ҳомийси сифатида хизмат қилмайди.

Америкада федерал ҳукуматнинг ўсиб бораётган нуфузига қарамай, унинг роли ханузгача чекланган ва ҳали ҳам асосий илмий қарорлар одатда муассасалар, айрим давлат муассасаларига оидлари эса - штатлар томонидан қабул қилинмоқда.

АҚШ Таълим вазирлиги олий ўқув юртларида тақсимланадиган ёки ишлатиладиган федерал маблағлардан фойдаланишни бошқаради ва назорат қилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Талабаларга федерал молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсатини жорий қилиш, маблағларни бошқариш ва тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш;

- Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш, масалан, ирқи, миллати, жинси, ногиронлиги ва ёшидан қатъи назар, олий таълимдан тенг фойдалана олиш имконини берувчи 1964 йилдаги Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ва 1990 йилдаги Ногиронлиги бўлган америкаликлар тўғрисидаги қонун;

- Чет тилларини ўқитиш ва минтақашунослик дастурлари каби ўқув дастурларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш учун дастурларни ишлаб чиқиш;

- Олий ўқув юртларига шартномалар ва грантлар асосида турли хил соҳаларда тадқиқотлар олиб бориш учун берилган федерал маблағлардан фойдаланишни назорат қилиш;

- Ўқишга кириш тенденциялари, талабалар ирқи ва этник келиб чиқиши, профессор-ўқитувчиларнинг хизматда кўтарилиши ва хизмат муддати, аспирантура соҳалари ва таълимнинг турли хил йўналишларида тадқиқотлар ўтказиш каби юзлаб предметлар тўғрисида батафсил маълумот тўплаш[6].

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, корпоратив бошқарув (таълим муассасаларининг ўзини ўзи мустақил идора қилиш ҳуқуқи) АҚШ олий таълимнинг ўзига хос хусусияти саналади. Бироқ, давлат назоратидан автономлик даражаси олий таълим соҳаларида, яъни штатдан штатга, хусусий ва давлат коллежлари ва университетлари ўртасида, ҳаттоки маълум бир штатдаги муассасалар ўртасида, кескин фарқ қилади. Хусусий таълим муассасаларининг давлат муассасаларига қараганда автономлик даражаси анча юқори, чунки аксарият ҳолларда улар ўз штатлари томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилмайди. Натижада, муассаса раҳбарлик тузилмаси ва фаолияти ҳам муассасанинг ҳажми, вазифаси ва ташкилий маданиятига қараб фарқланади.

Корпоратив бошқарувнинг энг юқори даражаси - бу бошқарув ёки сиёсатни белгиловчи орган бўлиб, одатда кенгаш деб номланади: регентлар, директорлар, васийлар ёки бошқарувчилар кенгаши. АҚШдаги деярли барча коллежлар ва университетлар асосан фуқаролардан ташкил топган кенгашлар томонидан бошқарилади. Унда сайланадиган мансабдор шахслар ёки ҳукумат амалдорлари бўлмаса-да айримлари штат губернатори томонидан тайинланади[7]. Одатда бошқарув кенгашлари президент ёки ректор деб аталувчи бош ижрочи директорни тайинлаш учун жавобгардирлар. Биргаликда ишлаш орқали, улар сиёсатни ва бутун тизим учун устувор бўлган йўналишларни белгилайдилар, бюджетларни мувофиқлаштирадilar ва ўз юрисдикциясида бўлган муассасалар манфаатларини химоя қилдилар. Кенгашлар одатда муассасанинг энг юқори бошқарув органи бўлса-да, улар ҳокимият ва жавобгарликни президент, факультет ёки талабалар кенгашлари ва бошқа ташкилий тузилмалар билан бўлишади.

Муайян номланишлар ва тузилмалар муассасаларда турлича бўлса-да, корпоратив бошқарув одатда куйидаги ролларни бажаради:

- Президент: Олий даражадаги институционал раҳбар ва маъмур сифатида, президентнинг роли стратегик режалаштириш, молиявий барқарорлик, шунингдек муассасанинг иш унумдорлигини оширишга қаратилган.

- Ректор: АҚШнинг баъзи университет тизимлари бир нечта кампуслардан (талабалар шаҳарчаси) иборат. Бундай ҳолларда, ҳар бир кампуснинг бош маъмури ректор деб аталади ва у тўғридан-тўғри университет тизимининг президентига ҳисобот беради.

- Ўқув ишлари бўйича проректор/бош илмий ходим: У академик масалалар - ўқув дастурлари, илмий изланишлар ва факультет оид ишларга масъул бўлади. Кўпгина проректорлар штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибидан тайинланади. Проректор янги президентни сайлаш вақтида вақтинчалик президент вазифасини бажариши мумкин. Ушбу лавозим «проректор» ва «бош илмий ходим» деб номланишдан ташқари «ўқув ишлари бўйича вице-президент» деб ҳам аталиши мумкин.

- Вице-президент: Вице-президент университетдаги раҳбарлик лавозими бўлиб, у бевосита президентга ёки ректорга бўйсунди. У таълим муассасасининг турли ноилмий вазифаларини бажаради, хусусан, молия, кадрлар, талабалар билан ишлаш, ривожланиш ва ахборот технологияларига оид масалаларни назорат қилади. Кўпгина муассасаларда ҳар бир функционал йўналиш бўйича вице-президент мавжуд.

- Декан: Декан коллеж ёки университетнинг илмий бўлимини бошқаради. Декан ушбу бўлимнинг бош маъмури сифатида ўқитувчилар, кафедра мудирлари, бўлим ходимлари, талабалар ва университет раҳбарлари ўртасида воситачи бўлиб, ўзаро алоқани таъминлайди. Улар одатда профессор-ўқитувчилар таркибидан тайинланади.

- Кафедра мудир: Аксарият ўқув юртлирида илмий-ташкилий тузилманинг асосий бўлими кафедра ҳисобланади (кўпинча фан, соҳа ёки фанлар гуруҳига бўлинади) ва кафедра мудир томонидан бошқарилади. Кафедра декан ва кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида алоқа ўрнатади[8].

Хулоса қилганда, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш борасида зарур ишлар қилинмоқда. Шундай экан, Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятларини тадқиқ этиш ва уни миллий таълим тизимига олиб кириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

#### **Адабиётлар**

1. Henard, F., Mitterle, A., 2009. Governance and Quality Guidelines in Higher Education: a Review of Governance Arrangements and Quality Assurance Guidelines. OECD/Directorate for Education, France, Paris.



2. Khalid Zaman. Quality guidelines for good governance in higher education across the Globe. Pacific Science Review B: Humanities and Social Sciences 1 (2015) 1e7. journal homepage: [www.journals.elsevier.com/pacific-sciencereview-b-humanities-and-social-sciences](http://www.journals.elsevier.com/pacific-sciencereview-b-humanities-and-social-sciences).

3. Middlehurst, R., 2013. Changing internal governance: are leadership roles and management structures in United Kingdom universities fit for the future? High. Educ. Q. 67, 275e294.

4. Marwan M. Abdeldayem, Saeed H. Aldulaimi. Corporate Governance Practices in Higher Education Institutions: The UK vs Bahrain. International Journal of Learning and Development ISSN 2164-4063 2018, Vol. 8, No. 4

5. Jons, H., Hoyler, M., 2013. Global geographies of higher education: the perspective of world university rankings. Geoforum 46, 45e59.

6. АҚШ олий таълим тизимига кириш. Central Asia university partnerships program. <https://cauprogram./1578941>

7. De Boer, H., Huisman, J., & Meister-Scheytt, C. (2010). Supervision in “modern” university governance: Boards under scrutiny. *Studies in Higher Education*, 35(3), 317-333. <https://doi.org/10.1080/03075070903062849>

8. АҚШ олий таълим тизимига кириш. Central Asia university partnerships program. <https://cauprogram./1578941>

УДК 001. А-95

## **БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

Ахмедов Азизбек Баходирович – Андижон машинасозлик институти

Машинасозлик технологияси кафедраси катта ўқитувчиси.

E-mail. [Iris-azizbek@mail.ru](mailto:Iris-azizbek@mail.ru) Tel: +998905257178

*Аннотация.* Мақола муҳандислик йўналиши бўйича олий таълим муассасалари талабаларини илмий-тадқиқот компетентлиги шакллантириш тизимини моделлаштиришга бағишланган. Ишлаб чиқилган модель доирасида унинг асосий таркибий қисмлари ёритиб берилган. Жумладан, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари тизимини ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб олинган, уни таъкил этиш тамойиллари очиқ берилган.

*Калит сўзлар:* талабалар, илмий-тадқиқот компетентлиги, илмий-тадқиқот ишлари, модель, мақсади, вазифалари, тамойиллари, узлуксизлиги, компетентлиги.

## **МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ФОРМИРОВАНИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ**

А.Б.Ахмедов – Старший преподаватель кафедры технология машиностроения Андижанского машиностроительного института

*Аннотация.* Статья посвящена моделированию системы формирования научно-исследовательской компетентности студентов высших учебных заведений в области инженерного направления. В рамках разработанной модели выделены ее основные

46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х. ....	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э. ....	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И. ....	277
	<b>13.00.00</b>	
	<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b> <b>ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PEDAGOGICAL SCIENCES</b>	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б. ....	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O. ....	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B. ....	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А. ....	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б. ....	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У. ....	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А. ....	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К. ....	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н. ....	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф. ....	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I. ....	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф. ....	343